



СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР БЎЙИЧА СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИКЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Абдукаримов Хурмат Матякубович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0005-3493-0462

xurmat.abdukarimov@soliq.uz

Аннотация. Ушбу мақолада солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва таълимни яхшилаш, солиқ тизими ва тартибларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида самарали алоқа каналларини ривожлантириш солиқларни ундириш механизмларини такомиллаштириш. Бундан ташқари, адолатга бўлган ишонч ва идрокни шакллантириш ва самарали мажбурлов чораларини қўллаш ҳам мувофиқликни ошириши муносабатларни ривожлантириш тенденцияларини ҳамда солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликлар юзага келишининг асосий сабабларини назарий ва амалий жиҳатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: солиқ қарзи, боқиманда, кадастр қиймати, шахсий карточка, солиқ элементлари, бюджет салоҳияти, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетлар харажатлари, суд ижроси, қарз берувчи, кредитор, дебитор.

АНАЛИЗ ОСНОВНЫХ ПРИЧИН ВОЗНИКНОВЕНИЯ НАЛОГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ

Абдукаримов Хурмат Матякубович

Ташкентский государственный

экономический университет

Аннотация. Данная статья направлена на совершенствование механизма сбора налогов, улучшение обслуживания и образования налогоплательщиков, упрощение налоговой системы и процедур, развитие эффективных каналов связи между налогоплательщиками и налоговыми органами, совершенствование механизмов сбора налогов. Кроме того, теоретические и практические аспекты формирования доверия и восприятия справедливости, применение эффективных мер принуждения также повышают соблюдение требований, тенденции развития отношений и основные причины возникновения налоговой задолженности по налогам и сборам.

Ключевые слова: налоговая задолженность, имущество, кадастровая стоимость, личная карта, налоговые элементы, бюджетная обеспеченность, местный бюджет, расходы местных бюджетов, судебное исполнение, кредитор, кредитор, должник.

ANALYSIS OF THE MAIN CAUSES OF TAX ARREARS IN TERMS OF TAXES AND FEES

Abdukurimov Khurmat Matyakubovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article aims to improve the tax collection mechanism, improve service and education for taxpayers, simplify the tax system and procedures, develop effective communication channels between taxpayers and tax authorities, and improve tax collection mechanisms. In addition, the theoretical and practical aspects of the formation of trust and perception of justice and the use of effective coercive measures also increase compliance, the trends in the development of relations, and the main reasons for the occurrence of tax arrears on taxes and fees.*

Keywords: *tax arrears, property, cadastral value, personal card, tax elements, budget capacity, local budget, costs of local budgets, judicial enforcement, lender, creditor, debtor.*

Кириш.

Давлатимизнинг ҳозирги кундаги тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш ҳамда улар фаолиятини эркинлаштириш жараёнида турли текширишларни камайтириш, солиқлар ва йиғимларнинг улар фаолиятига таъсирини камайтириш, яъни мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай хўжалик субъекти тўлаётган солиғи унга тўла-тўқис иқтисодий эркинлигини таъминлашга асос бўлишига эришиши бугунги кундаги солиққа тортиш тамойилларининг энг асосийси экани ҳеч кимга сир эмас. Мустақилликка эришган даслабки йилларимизданоқ, қарздорликнинг, айниқса, солиқ қарздорликнинг ўсишини олдини олишга катта аҳамият берилмоқда. Қарз берувчи ва қарз олувчилар, кредитор ва дебиторлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. Кўрилаётган қатъий чоратадбирлар туфайли, солиқ идораларининг бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига солиқ суммаларини ундиришдаги фаоллиги муайян ижобий натижалар бермоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари мавзусига оид қисқача адабиётлар шарҳини келтирамиз.

Солиқ мажбурияти - жисмоний шахс, корпорация ёки бошқа юридик шахснинг давлат олдидаги солиқ қарзининг умумий суммаси. Даромад солиғи, савдо солиғи ва капитал даромад солиғи солиқ мажбуриятларининг барча шакллари дир (Жонсон, 2022).

Солиқ мажбуриятининг таърифи жисмоний ёки юридик шахснинг давлатга солиқ бўйича қарзи бўлган пул ёки қарз миқдоридир (Жозепсон, 2022). Демак, англашилмоқдаки солиқ мажбуриятлари солиқ тўлашдан бўйин товлашга қараб кетмоқда. Яъни ушбу тадқиқот доирасида солиқ тўлашдан бўйин товлаш тушунчасини иқтисодий моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш деганда жисмоний ёки юридик шахсларнинг солиқ мажбуриятларини қонунга хилоф равишда камайтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли фаолият тушунилади. Солиқ мажбуриятлари солиқ тизимларининг стандарт ва ҳуқуқий жиҳати бўлиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш фирибгарлик йўли билан ушбу мажбуриятлардан қочиш ёки камайтиришга қаратилган жиноий ҳаракатдир.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш тарих давомида ҳамма жойда кенг тарқалган. “Солиқ тўлашдан бўйин товлаш” атамаси солиқларнинг адолатли улушини тўлашни истамайдиганлар томонидан кенг кўламли фаолиятни ўз ичига олади (Овусу ва бошқ., 2019). Бу солиқларни камайтириш мақсадида қонунни бузишга ҳаракатдир. Даромадни

камайтириб кўрсатиш, чегирмаларни ортиқча кўрсатиш ва молиявий ҳужжатларни манипуляция қилиш солиқ тўлашдан бўйин товлаш стратегиясининг мисолидир (Озили, 2020). Шунга қарамай, солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида йўқотилган даромад миқдори ҳар қандай мамлакатда катта бўлиши мумкин.

Кўпгина солиқ тўлашдан бўйин товлаш бўйича тадқиқотлар индивидуал хатти-ҳаракатларни аниқ контекстда кўриб чиқади (Алм ва бошқ., 2019). Ахлоқий, ишонч, муносабат, идрок, ният, хабардорлик, маданият, диндорлик, билим ва таълим каби индивидуал омилларга боғлиқ. Шахсий даромад солиғи бу хатти-ҳаракатлар кўриб чиқиладиган энг кенг тарқалган объектив бўлиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаш бўйича энг назарий ва эмпирик ишлар шахсий даромад солиғига қаратилган (Эфеэлоо ва Дик, 2018). Жисмоний шахслар ўз даромадларини кам ҳисобот бериш, чегирмаларни, имтиёзлар ёки кредитларни ортиқча кўрсатиш, солиқ декларациясини ўз вақтида топширишга эътибор бермаслик ёки ҳатто солиқ тўламаслик учун айирбошлашда қатнашиш орқали даромад солиғини тўлашдан қочишлари мумкин. Бошқа томондан, бундай хатти-ҳаракатлар, албатта, турли солиқларда олиниши мумкин. Айти пайтда, фирмалар, масалан, жисмоний шахслар шахсий даромад солиғида бўлгани каби, даромадларни кам ҳисобот бериши, чегирмаларни бўрттириб кўрсатиши ёки юридик шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиқ декларациясини тақдим этмаслиги мумкин.

Адабиётда иқтисод билан боғлиқ омиллар солиқ ставкаси, молиявий чекловлар, даромад даражаси, солиқ юки, коррупция, иқтисодий тузилма, аудит, жарима ва ишсизликдир. Ричардсон (2016) солиқ тўлашдан бўйин товлашда иқтисодий омилларга қараганда иқтисодий бўлмаган омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади. Кейинчалик, коррупция ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш кенг тарқалган муаммолар сифатида тавсифланади. Коррупция - ҳокимият ва ваколатли шахс ёки корпорация томонидан ноқонуний афзалликларга эга бўлиш ёки ҳокимиятни шахсий манфаат учун суистеъмол қилиш мақсадида амалга ошириладиган инсофсиз ёки жиноий ҳуқуқбузарликдир (Кхлиф ва Амара, 2019).

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш бўйича энг сўнгги ўрганилганлар томонидан юқорида қайд этилган иқтисодий ва ноиқтисодий омиллардан ташқари бошқа омиллар ҳам қўлланилади. Адабиётларни кўриб чиқиш давлат хизматларини рақамлаштириш, корпоратив ижтимоий масъулият ва маълумот тарқатишнинг таъсири каби баъзи ўзгарувчиларни тақдим этади. Биринчидан, бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар сўнгги ўн йилликларда интернет технологияси давлат хизматларини содалаштириши ва уларнинг самарадорлигини ошириши мумкинлигини тушуниб, ўз аҳолиси билан алоқа қилиш учун интернетдан фойдаланишда хусусий секторга эргашдилар (Уяр ва бошқ., 2021). Ниҳоят, ҳуштакбоз хусусий, давлат ёки давлат ташкилоти доирасида ноқонуний, ахлоқсиз, ноқонуний, хавфли, фирибгарлик ёки давлат маблағларини суистеъмол қилувчи билим ёки ҳаракатни ошкор қиладиган кишидир. Ҳуштакбозлик тизимларини жорий қилиш аудитдан ўтиш эҳтимолига ноаниқлик кўшиш орқали аниқлаш имкониятини оширади (Масслет ва бошқ., 2019).

Sabine Freizer томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмурияти ислоҳоти ва фискал назорат” (2006): Ушбу тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилишнинг умумий кўринишини беради ва солиқ йиғиш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва имкониятларини ёритади. Муаллиф солиқларни ундириш жараёнини яхшилашга солиқ тўловчиларни ўқитиш ва тушунтириш ишларини яхшилаш, шаффофлик ва масъулиятни ошириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимини модернизасия қилиш орқали эришиш мумкинлигини тақлиф қилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётини шакллантириш, унинг ҳуқуқий асосини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини яратиш ва бозор

инфраструктурасини ташқил этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шуларга қарамай, баъзи хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун ва қоидаларга бўйсунмай ўз билганича иш олиб бориш ҳоллари ҳам учраб турган. Шундай ҳоллардан бири, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва йиғимларни ўз вақтида тўламасликдир.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари бўйича бу борада давлатимиз раҳбари “2019 йилдаги янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилганлиги, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташқил этилди. Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган ёки солиқ органи томонидан асоссиз ундирилган солиқ тўловлари ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз ҳисоблаган ҳолда ҳисобрақамига қайтариб берилади” (Мирзиёев, 2020) – дея таъкидлади.

Республика иқтисодиётининг ривожланиши учун иқтисодий соғлом муҳит зарурлиги сабабли, ўз мажбуриятларини бажаришга интилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли чоралар қўллаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлиги белгилаб олинди.

Давлат бюджети даромадларини шакллантириш асосан давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган. Солиқ тизимида солиқларнинг қуйидаги бешта асосий функцияси мавжуд:

- фискал (ғазнани тўлдириш) функцияси;
- иқтисодиётни тартибга солиш функцияси;
- рағбатлантириш функцияси;
- назорат қилиш функцияси;
- ахборотлар билан таъминлаш функцияси.

Солиқ тизими ўзининг фискал (ғазнани тўлдириш) функциясини бажариш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар билан турли шароитларда учрашади. Учрашувларнинг энг кўп ва муаммоли ҳолати бу хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан бўлган солиқ қарзларни ундириш ҳолатидир. Аввало қарздорлик ва солиқ қарздорликнинг ўзи нималигини тушиниб олишимиз зарур. Шунингдек,


қарздорлик - солиқ, ҳисоблаб ёзилган пеня ва қонунларни бузганлик учун қўлланган жарима санкцияларининг бутун суммаси.

солиқ қарздорлик - бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш учун ҳисоблаб ёзилган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг уларга доир тўлаш муддатлари ўтганидан сўнг тўланмаган суммаси;

Бугунги кунда иқтисодиёт тирик организмга ўшатишмоқда. Сабаби, тирик организмнинг қайсидир бир жойи ўз фаолиятини бажариш жараёнида сал сустлашса у албатта бутун организмга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Давлат иқтисодиётнинг ривожлантириш учун уни бўлим ёки бўғимларга бўлиб бўлмайди.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва йиғимларни тўламаслик биринчи навбатда давлат бюджети даромадларининг пасайишига таъсирини кўрсатади. Оқибатда, давлат томонидан сарфланадиган ҳаражатларни қопланиши учун йиғиладиган маблағ бошқа солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Бир корхонанинг ўз вақтида солиқ тўламаслиги хоҳ у катта корхона, хоҳ кичик корхона бўлсин бошқа корхоналарга солиқ юкини


ортишига сабаб бўлади. Солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилиятини пасайишидир.



1-расм. Солиқ қарздорликлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари

Шу сабаблар бартараф этилса иқтисодиётда мувозанатни сақлаб туриш мумкин. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиёт жамиятнинг барча соҳаларига занжирий боғланганлиги сабабли бутун жамиятга ижобий таъсир этади. Солиқ қарздорликка олиб келувчи асосий сабабларни 1-расмда келтириб ўтдик.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва йиғимларни тўламаслик биринчи навбатда давлат бюджети даромадларининг пасайишига таъсирини кўрсатади. Оқибатда, давлат томонидан сарфланадиган ҳаражатларни қопланиши учун йиғиладиган маблағ бошқа солиқ тўловчилар зиммасига юкланади. Бир корхонанинг ўз вақтида солиқ тўламаслиги хоҳ у катта корхона, хоҳ кичик корхона бўлсин бошқа корхоналарга солиқ юкини ортишига сабаб бўлади. Солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилиятини пасайишидир. Шу сабаблар бартараф этилса иқтисодиётда мувозанатни сақлаб туриш мумкин.



2-расм. Корхоналарнинг солиқ қарздорлиги таъсир қилувчи омиллар

Хўжалик юритувчи корхона ва ташқилотлар солиқ тўламаса, юқорида келтирилган омиллардан бошқа омилларга ҳам таъсирини юқоридаги жадвалдан қисқача кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

- корхоналардан ундириладиган солиқ ва йиғимлар тўловлар бўйича йиғилувчанлик даражаси пасайиб, давлат бюджети даромадлари камаяди, оқибатда давлат ўзининг мажбуриятини ўз вақтида бажара олмайди;

- давлатнинг ички ва ташқи ҳимояси заифлашади;

- аҳолининг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилинадиган қисми маълум миқдорда ижтимоий ҳимоясиз қолади;

- давлат ўз сиёсатини тўлиқ юргиза олмайди;

- аҳолининг давлатга бўлган ишончи камаяди;

- корхона ва ташқилотларнинг солиқ қарзлари ортиши сабабли чет эл инвестицияларини жалб қилиш камаяди, мавжуд инвестициялар ҳам секин аста чиқиб кета бошлайди;

- иқтисодиётнинг ривожланиши бошқа давларга нисбатан орқада қолади;

- бунинг натижасида аҳолининг реал даромади камаяди, ҳамда турмуш даражаси пасаяди;

- турмуш даражасининг пасайиши эса, жиноятларнинг кўпайишига олиб келади.

Умуман олганда, солиқ тўловчилар томонидан тўланмаган ҳар қандай маблағ давлатнинг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу тўланмаётган солиқлар ёки солиқларни ҳисоб-китоби ва ундирилишида Давлат солиқ хизмати органлари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

- солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

- солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

- солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

- солиқ бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликларнинг пайдо бўлишини олдини олишда солиқ сиёсати, шу билан бирга, солиқ органларининг роли ҳам жуда катта. Амалиётда солиқ органлари давлатнинг солиқ сиёсатини рўёбга чиқаришда асосий орган сифатида фаолият кўрсатади. Авваламбор, солиқ тўловчиларга солиқларнинг ижтимоий аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тўлиқ, кенг ҳамда доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилиши керак. Шу билан бирга, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш механизмини тушунтириш лозим. Солиқлар эса уни тўловчиларга тушуниш, солиқларни ҳисоблаш содда бўлиши ва тўлов муддати солиқ тўловчига қулай бўлиши лозим. Ана шунда солиқ ва бошқа мақсадли тўловлар бўйича солиқ қарздорликлар бўлмайди. Тўлов қобилиятининг пасайиб бориши корхонани иқтисодий жиҳатдан оғир ҳолатга, яъни корхонани дебитор қарздорлиги кредитор қарздорлигидан кам бўлиб охир оқибатда корхонани банкротликка олиб бориши мумкин. Солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликнинг пайдо бўлишига боғлиқ сабабларни иккига, яъни солиқ тўловчига боғлиқ бўлган сабаблар ҳамда солиқ тўловчига боғлиқ бўлмаган сабабларга бўлишимиз мумкин:

Солиқ тўловчига боғлиқ бўлган сабаблар:

- корхоналарни бошқаришдаги хато ва камчиликлари;

- бизнес режага асосан ишламаслик;

- ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини пасайиши;
- бозорда корхона ишлаб чиқарган товарларга талабнинг пасайиши;
- корхоналарнинг дебитор қарздорлигини ортиши;
- тўлов қобилятининг пасайиши.

Солиқ тўловчига боғлиқ бўлмаган сабаблар:

- носоғлом иқтисодиёт;
- солиқ юкининг кўпайиши;
- солиқ юкининг нотеккис тақсимланиши;
- аҳоли даромадлик даражасининг пасайиши;
- ишлаб чиқаришга таъсир этувчи ресурсларнинг кимматлашуви.

Куйида солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ қарздорликнинг пайдо бўлишига боғлиқ сабабларни кенгроқ кўриб чиқамиз. Солиқ тўловчига боғлиқ бўлган сабаблар:

- корхоналарни бошқаришдаги хато ва камчиликлари бўлиб, бунда корхонага қанча қулайликлар яратилмасин, бошқарувдаги хатолар корхонани банкротликка олиб келади. Корхона раҳбари, авваламбор, ўзи бошқараётган корхона ҳақида тўлиқ маълумотга, яъни корхона қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, қанча вақтда ва қанча миқдорда ишлаб чиқариши, маҳсулотнинг сифати ҳамда бу маҳсулотнинг бошқа маҳсулотлар билан рақобатбардошлиги, ишлаб чиқарилган товарга бозордаги талаб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва албатта, хомаки бўлса ҳам қанча фойда олиши мумкинлигини билиши шарт. Шу ва шунга ўхшаш фавқулотдаги ҳолатларни инobatга олган ҳолда, бошқарувчи корхонани иқтисодий беқарор ҳолатга, яъни даромадлари ҳаражатларини қоплай олмайдиган банкрот ҳолатига келиб қолишини олдини олиши зарур.

- бизнес режага асосан ишламаслик бўлиб, бунда корхонанинг фаолиятида давомийлигини таъминлаш учун корхона ўзининг ҳаммадан сир тутилган бизнес режаси мавжуд бўлиши керак. Бизнес режа тўғри тузулиб корхона ўз бизнес режасига мувофиқ ишлай олмаса бошқарув нотўғри бўлаётганлигидан далолат беради. Жамиятдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни инobatга олиб, шунга монан бизнес режани ҳам ўзгартириб, замон билан ҳамоханг иш олиб бориш лозим.

- ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини пасайиши ҳам ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини пасайиши корхонада доимий ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ҳаражатларнинг ортиши оқибатида келиб чиқади. Ишлаб чиқариш технологияларининг эскирганлиги ва бу технологияларнинг ишлаб чиқариш қуввати янги технологияларга нисбатан пастлиги ҳам рентабелликнинг пасайишига олиб келади. Корхонада янги техника билан таъминлашни чораларини кўрмаслик корхонанинг бозордаги ўз ўрнини рақобатчи корхонага бўшатиб бериш демакдир.

- бозорда корхона ишлаб чиқарган товарларга талабнинг пасайиши эса бозорда корхона ишлаб чиқарган товарларга талабнинг пасайиши корхона ишлаб чиқаётган маҳсулотнинг бошқа маҳсулотларга нисбатан сифати пастлиги, нархи юқорилиги, нафлилик даражаси пастлигидан далолат беради.

- корхоналарнинг дебитор қарздорлигини ортиши натижасида, корхоналарнинг дебитор қарздорлигининг ортиши ишлаб чиқаришда айланма маблағларнинг камайиши, айланма маблағнинг бўлмаслиги ишлаб чиқаришни тўхташига олиб келади. Корхонанинг ишлаб чиқариш миқдори зарарсиз ишлаш нуқтасидан пастга тушиши доимий ҳаражатлар ҳисобига корхонанинг ўз фаолиятини тугашига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, иқтисод занжирли реакцияга асосан иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам таъсир этади. Масалан, ишсизлик ортади, ишсизликнинг ортиши жамиятда таъсир қилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ, шундай экан, ҳар қандай корхонанинг ишламаслиги жамият учун катта муаммони келтириб чиқаради.

Дебитор қарздорликни иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарда турлича бўлиши табиий. Амалиётда, корхоналарнинг

дебитор қарздорлиги йилдан йилга ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Албатта бу кўринишга бир томондан яхши, яъни корхонанинг иш ҳажми йилдан йилга ортиши, маҳсулотларнинг миқдори ортиши, шунга монан ишчиларнинг иш билан таъминланиши ва шунга ўхшаш кўринишларни санаб ўтишимиз мумкин. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд, корхонада иш ҳажми ортса, маҳсулотларнинг миқдори ҳам ортади ва ўз ўзидан тушум ҳам ортиши керак. Тушум миқдорининг ортиши корхонанинг кредитор қарздорликлари, шу жумладан, бюджетдан бўлган кредитор қарздорликни ҳам камайтириш имконини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, занжирли боғланиш хосил қилиб корхонанинг бутун фаолиятига таъсир ўтказди. Лекин бюджетдан бўлган кредитор қарздорлиги камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. маълум. Хусусан, республикаимиз бўйича умумий қарздорликнинг 82 фоизи²⁶ худудлардаги корхона ва ташкилотлар ҳисобига тўғри келади. Афсуски, қарздорликнинг ўсиши ҳам айнан шу тармоқларда қайд этилмоқда. Республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар мисолида қуйидаги 1-жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин (корхоналарнинг сонига нисбатан %да).

Демак, юқоридагиларга асосан корхоналарда солиқларни тўламасдан қандайдир йўллар билан фаолият кўрсатиш мумкин, ёки шунга имкониятлар бор, деган хулоса берса бўлади. Қонунчиликка асосан, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ хўжалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиш, ишларини бажариши ва хизматлар кўрсатиши таъқиқланган.

1-жадвал

Республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар бўйича солиқ қарздорлик динамикаси

Йиллар	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
Рўйхатдан ўтган корхоналар	100%	100%	100%	100%	100%
Фаолият кўрсатаётган корхоналар	96,0%	91,2%	82,3%	83,4%	86,0%
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар	4,0%	8,8%	17,7%	16,6%	14,0%
Солиқ қарзи бор корхоналар	66,3%	68,4%	81,0%	79,3%	77,3%
Шундан	100%	100%	100%	100%	100%
Вазирлиги бор корхоналар	64,3%	71,3%	74,6%	79,2%	76,8%
Бошқа корхоналар	35,7%	28,7%	25,4%	20,8%	23,2%
шундан	100%	100%	100%	100%	100%
Солиқ қарзини тўловчи кор.	83,3%	76,8%	74,1%	84,3%	70,6%
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар	16,7%	12,0%	25,4%	14,5%	16,8%
хуфиёна корхоналар			0,5%	1,2%	12,6%

Манба: солиқ қўмитаси маълумотлари (www.soliq.uz) асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шу қонунчиликка асосан, маҳсулот юборувчи корхоналар жўнатилган маҳсулотнинг қийматидан, қолган 85 физини маҳсулот олувчи корхоналардан ололмаслик оқибатида дебитор қарздорлик ортиб бормоқда. Шунинг учун 15 фоизли олдиндан тўловни камида 50% ёки умуман 100% қилиб белгиланса, корхоналарда дебитор қарздорлик бўлмас эди. Шунда корхоналарда соғлом молиявий муҳит

²⁶ www.soliq.uz

яратилади ва солиқ қарздорликлар вужудга келмайди. Мамлакат худудида бартер операциялари таъқиқланган бўлсада амалда кўп учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун жавобгарлик масаласини ошириш керак.

- тўлов қобилиятининг пасайиши ҳам корхонанинг тўлов қобилиятини пасайиши унинг айланма маблағларининг йўқлиги, дебитор қарздорликлари кўпайиб жўнатилган маҳсулотлар учун маблағнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда рақобатбардош эмаслиги, бунинг оқибатида маҳсулотлар сотилмаслиги, натижада корхона иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолишига олиб келади. Буни ҳақда юқорида айтиб ўтилганлиги сабабли камроқ тўхталиб ўтдик.

Солиқ тўловчига боғлиқ бўлмаган сабаблар:

- носоғлом иқтисодиёт шароитида жаҳон амалиётида кўпинча корхоналар кутилмаганда молиявий қийинчиликларга дуч келиш ҳоллари жуда кўп учрайди. Масалан, бунга мисол қилиб “Dun & Bradstreet”²⁷ фирмасининг 2021 йил якуни бўйича 87266 та корхонанинг қарзини 108.8 млрд. доллар деб элон қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу ЯИМ нинг 2% га яқин. Корхоналарни банкротликка олиб келган асосий сабаб, АҚШ иқтисодининг пасайиши кўрсатилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, корхона ўз фаолияти учун бизнес режа тузаётганда, албатта, иқтисодий жараёнларни инobatга олиб корхонани қандай ҳимоя қилиши ёки бўлмаса иложи борича, кам талофат кўриши йўллари олдидан белгилаб бориши шарт. Айниқса, ўтиш даврида корхоналарнинг ўз фаолиятини давом эттириш учун бозорда кучли рақобатни енгишига тўғри келади.

- солиқ юкининг кўпайиши натижасида бугунги кунда дунёнинг индустриал ривожланган мамлакатлари ва ер ости маъданларига бой бўлган Яқин Шарқ мамлакатларида солиқ юки 20.0 - 25.0 фоизга тенг бўлса, ривожланаётган дунё мамлакатларида 35.0 - 40.0 фоиз атрофида эканлиги ва Ўзбекистонда 32.5 фоизлик (солиқ ва йиғимлар тўловлар билан бирга) даража атрофида фарқланиши, уларда амалда бўлган солиқ юки мазкур давлатлар иқтисодиёти учун етарлими ёки огирми ёхуд улар иқтисодиётининг ҳозирги хорлати учун оптимал (мақбул) солиқ юки неча фоизни ташқил этиши лозим. Ҳозирги вақтда баъзи чет эл экспертлари мамлакатимизда солиқ юкининг оғирлиги тўғрисидаги фикрларига тўхталсак, бизда солиқ юки кўрсаткичлари қанча бўлиши керак ва бу миқдорнинг қанчалигини ўлчаш ёки белгилаш учун қайси кўрсаткичларга таяниш керак, деган саволга тайин жавоб топа олмаймиз. Бунинг сабаби, бугунги кунга қадар дунё бўйича ҳар бир мамлакат учун оптимал (мақбул) солиқ юкини аниқлашнинг умумэътироф этилган услубиятининг йўқлигидир. Лекин умуман олганда, солиқ юкини иложи борича камайтириш керак. Ҳеч бир давлат йўқки, ўзининг бюджет даромадларини кўпайтиришни хоҳламайдиган. Солиқ юкини солиқ ставкаларидан кўриш мумкин. Солиқ ставкаларини Артур Лаффер эгри чизигида таъкидлаганидек давлат бюджетига иложи борича кўп маблағ тушадиган миқдорда белгилаш лозим. Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида келтирган тахлилий маълумотларга мувофиқ солиқ ставкаларининг 1 пенктга кўтарилиши тўғри чет эл инвестициясининг 3,3 фоизга камайтиришга олиб келар экан. Шунинг учун ҳар бир жорий қилинган солиқлар илмий жиҳатдан асосланган ҳолда жорий қилиниши лозим.

Солиқлар бўйича адолатсизлик натижасида барча солиқ талабларига риоя қиладиган интизомли солиқ тўловчилар рақобатга дош бермай қоладилар ва бозордан кетишга ёки солиқлардан қочиш йўллари излашга мажбур бўладилар. Озод этишлар имтиёзли корхоналар ва ташқилотларга берилиб, маҳаллий бозорда рақобатни бузади. Сараланган корхоналар учун солиқдан озод этишлар ва имтиёзлар солиқ базасини камайтиради ва шу тариқа бошқа корхоналарга солиқ юкини кўпайтиради.

²⁷ <http://www.dnb.com/us/> сайт маълумотларидан олинди

Тўлов қобилиятининг пасайиб бориши, охир оқибатда корхонани банкротликка олиб боради. Аввало, солиқ қарздорликни камайтириш учун шу ҳолатларга келтиривчи сабабларни топиб уни олдини олиш ва ана шу соҳада камчиликка йўл қўймаслик муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим. Хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланиб, ноқонуний даромад топаётган корхоналар, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар иқтисодиётга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Солиқ тўловчиларни ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиб, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ҳамда солиқ тўловчиларга нисбатан ғамхўрлигини билдиради. Лекин бу доимий давом этиши бозор иқтисодиёти талабларига зиддир.

Хулоса ва таклифлар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарздорлигини ундириш маъмурчилигидаги ҳар бир йўналишда солиқларни мажбурий ундириш учун назорат ишларини, яъни масъул бўлган ташкилот, идора ва айниқса хизмат кўрсатаётган банк муассасалари жавобгарлигини кучайтириш баробарида ундиришга доир харажатларни камайтириш мақсадида барча босқичларни электрон шаклга ўтказиш, мавжудларини янада такомиллаштириш жоиз.

Адабиётлар:

Efeelo, N., & Dick, N. (2018). *An Empirical Review of the Determinants of Tax Evasion in Nigeria: Emphasis on the Informal Sector Operators in Port Harcourt Metropolis*. *Journal of Accounting and Financial Management*, 4(3), 1–10. <https://d1wqtxts1xzle7.cloudfront.net/63209917>

Johnson Janet Berry (2022) *Tax Liability: Definition, Calculation, and Example*. The investopedia team. October 26, <https://www.investopedia.com/terms/t/taxliability.asp>

Josephson Amelia (2022) *The Ultimate Guide to Tax Liability*. November 16., <https://smartasset.com/taxes/tax-liability>

Masclat, D., Montmarquette, C., & Viennot-Briot, N. (2019). *Can whistleblower programs reduce tax evasion? Experimental evidence*. *Journal of Behavioral and Experimental Economics*, 83, 101459. <https://doi.org/10.1016/j.socec.2019.101459>

Owusu, G. M. Y., Bekoe, R. A., Anokye, F. K., & Anyetei, L. (2019). *What Factors Influence the Intentions of Individuals to Engage in Tax Evasion? Evidence from Ghana*. *International Journal of Public Administration*, 43(13), 1143–1155. <https://doi.org/10.1080/01900692.2019.1665686>

Ozili, P. K. (2020). *Tax evasion and financial instability*. *Journal of Financial Crime*, 27(2), 531–539. <https://doi.org/10.1108/jfc-04-2019-0051>

Richardson, G. (2016). *The Determinants of Tax Evasion: A Cross-Country Study*. *Financial Crimes: Psychological, Technological, and Ethical Issues*, 33–57. https://doi.org/10.1007/978-3-319-32419-7_2

Sabine Freizer (2006) tomonidan “O‘zbekistonda soliq ma‘muriyati islohoti va fiskal nazorat”: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/542691624154434845/text/Uzbekistan-Tax-Administration-Reform-Project.txt>

Uyar, A., Nimer, K., Kuzey, C., Shahbaz, M., & Schneider, F. (2021). *Can e-government initiatives alleviate tax evasion? The moderation effect of ICT*. *Technological Forecasting and Social Change*, 166, 120597. <https://doi.org/10.1016/j.techfore.2021.120597>

Мирзиёев Ш.М. (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси*. 24.01.2020 йил.